

**Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси,  
унинг ҳудудий бошқармалари ва тизим корхоналари  
ходимларининг одоб-ахлоқ  
ҚОИДАЛАРИ**

Мазкур қоидалар (бундан буён матнда одоб-ахлоқ қоидалари деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 2 мартдаги “Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларининг одоб-ахлоқ намунавий қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 62-сонли Қарорига мувофиқ Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси, унинг ҳудудий бошқармалари ва тизим корхоналари (бундан буён матнда Инспекция ва унинг қўйи тизими деб юритилади) ходимларининг одоб-ахлоқи, хулқ-атвори, ўз хизмат вазифаларига виждонан муносабатда бўлиш ва уларни оғишмай бажариш тартибини белгилайди.

**I. Умумий қоидалар**

**1.** Ушбу одоб-ахлоқ қоидалари Инспекция ва унинг қўйи тизими ходимларининг эгаллаб турган лавозимидан қатъий назар касбий одоб-ахлоқининг умумий принциплари ва хизматдаги хулқ-атворининг асосий қоидалари йиғиндисидан иборат.

**2.** Одоб-ахлоқ қоидалари Инспекция ва унинг қўйи тизими ходимлари томонидан содир этилиши мумкин бўлган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга, улар содир этилишининг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этишга, уларни юксак ҳуқуқий онги, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига қатъий риоя қилиш руҳида тарбиялашга йўналтирилган.

**3.** Инспекция ва унинг қўйи тизими ходимлари ҳамда ишга қираётган ҳар бир шахс ушбу одоб-ахлоқ қоидалари билан имзо қўйдирилган ҳолда таништириладилар.

**4.** Инспекция ва унинг қўйи тизими ходимлари қонун ҳужжатлари ва одоб-ахлоқ қоидалари талабларига риоя этишлари шарт.

Одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этиш ходимларнинг касбий фаолиятини ва хизматдаги хулқ-атворини баҳолаш мезонларидан бири ҳисобланади.

## **II. Инспекция ва унинг қуйи тизими ходимларининг хизматдаги хулқ-атворининг асосий принциплари ва қоидалари**

**5.** Инспекция ва унинг қуйи тизими ходимлари ўз касбий фаолиятини қуйидаги принциплар асосида амалга оширишлари керак:

-қонунийлик;

-фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги;

-ватанпарварлик ва хизмат бурчига фидойлик;

-давлат ва жамият манфаатларига содиқлик;

-адолатлилик, ҳалоллик ва холислик;

-манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик.

**6.** Инспекция ва унинг қуйи тизими ходимлари қуйидагиларга мажбур:

**а)** хизмат вазифаларини бажаришда давлат принциплари ва талабларига қатъий риоя этиш;

**б)** ўз хизмат вазифаларини виждонан, юксак касбий даражада бажариш;

**в)** юқори давлат органлари ва мансабдор шахсларининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган (берган) қарорларини (топшириқларини) ўз вақтида ва сифатли бажариш;

**г)** ўз фаолиятини қонун ҳужжатларида ва ички ҳужжатларда белгиланган лавозим ваколатлари доирасида амалга ошириш;

**д)** ўз хизмат вазифаларини бажаришда бирор-бир шахслар, гуруҳлар ёки ташкилотларга ён босмаслик ва устунлик бермаслик, уларнинг таъсиридан мустақил бўлиш, фуқароларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва қонуний манфаатларини ҳисобга олиш, камситиш ҳолатларига йўл қўймаслик;

**е)** ўз хизмат вазифаларини бажаришига тўсқинлик қилувчи бирор-бир шахсий, мулкӣ ва бошқа манфаатларнинг таъсири билан боғлиқ бўлган хатти-ҳаракатларга барҳам бериш;

**ё)** норматив-ҳуқуқӣ ҳужжат ва идоравӣ ҳужжатларда белгиланган чеклашлар ва таъқиқларга риоя қилиш, ўз хизмат вазифаларини оғишмай бажариш;

**ж)** ўз хизмат фаолиятига бирор-бир таъсир кўрсатиш имкониятига барҳам бериш;

**з)** хизмат компьютерида иш фаолиятига тааллуқли бўлмаган маълумотлар (динӣ экстремистик ва террористик гуруҳ фаолиятига оид варақалар, даъватлар ва ҳ.к.) тайёрламаслик ва сақламаслик, турли ўйинлар ўйнамаслик;

**и)** ишда юқори профессионал бўлишга бор кучини сарфлаш, қўйилган вазифаларни ҳал этишда қулай ва тежамкор усулларни қўллаш, ўзига бириктирилган давлат мулкига эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш, ундан мақсадга мувофиқ ва самарали фойдаланиш;

**й)** жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳар қандай шаклдаги (ёзма, оғзаки, электрон) ва турдаги (ариза, шикоят ва таклиф) мурожаатларини кўриб чиқишда бюрократизм ва сансалорликка йўл қўймаслик, белгиланган муддатларда улар бўйича зарур чораларни кўриш;

**к)** Ўзбекистон Республикаси ва бошқа давлатлар халқларининг урф-одатлари ва анъаналарини ҳурмат қилиш, турли этник, ижтимоий гуруҳлар ва конфессияларнинг маданий ҳамда бошқа хусусиятларини ҳисобга олиш, ижтимоий барқарорликка, миллатлараро ва конфессиялараро тотувликка кўмаклашиш;

**л)** ўзларининг хизмат вазифаларини виждонан бажаришда шубҳа пайдо қилиши мумкин бўлган хулқ-атвордан ўзини тийиш, шунингдек ўз обрўсига ёки инспекциянинг нуфузига зарар етказишга қодир бўлган вазиятларга йўл қўймаслик;

**м)** хизмат мавқеидан инспекция, давлат органлари, бошқа ташкилотлар, уларнинг мансабдор шахслари, шунингдек фуқаролар фаолиятига ноқонуний таъсир кўрсатиш учун фойдаланмаслик;

**н)** инспекция ва унинг қўйи тизимида хабарларни ва хизмат ахборотларини тақдим қилишнинг белгиланган қоидаларига риоя этиш.

**о)** давлат харидларини амалга оширишда коррупцияга йўл қўймаслик.

**7.** Сиёсий, иқтисодий жихатдан мақсадга мувофиқлик, шунингдек шахсий важлар ва бошқа субъектив сабаблар инспекция ва унинг қўйи тизими ходимларининг қонун ҳужжатлари талабларини ва одоб-ахлоқ қоидаларини бузиши учун асос бўла олмайди.

**8.** Агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, Инспекция ва унинг қўйи тизими ходимларига ўз хизмат вазифаларини бажариши муносабати билан бирор-бир моддий бойликларни олиш ёхуд жисмоний ёки юридик шахслардан бошқача наф қўриш тақиқланади.

**9.** Инспекция ва унинг қўйи тизими ходимлари коррупция ҳолатларига қарши курашиши ва уларнинг профилактикасига фаол кўмаклашиши шарт.

Инспекция ва унинг қўйи тизими ходимлари ўз раҳбарини ёхуд ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларни уларни ҳуқуқбузарликлар содир этишга оғдириш мақсадида бирор-бир шахсларнинг қилган мурожаатларининг барча ҳолатлари тўғрисида, шунингдек бошқа ходимлар томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликларнинг ўзларига маълум бўлган ҳар қандай ҳолатлари ҳақида хабардор қилиши шарт.

Инспекция ва унинг қўйи тизими раҳбарияти ўзига буйсунувчи ходимлар томонидан қонун ҳужжатларининг бузилиши фактлари тўғрисида мурожаат қилганлиги муносабати билан ёхуд билдирилган фикр ва мурожаатдаги танқиди учун, худди шунингдек бошқача шаклда танқид қилганлиги учун ишдан бўшатилишига ёки бошқача шаклда таъкиб қилинишига йўл қўймаслигини таъминлаши керак.

**10.** Инспекция ва унинг қўйи тизими ходимлари касбий фаолияти давомида ўзларига маълум бўлган ахборотнинг сақланишини ва махфийлигини таъминлаш юзасидан барча чораларни кўришлари шарт, уларнинг ошкор этилганлиги учун улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

**11.** Инспекция ва унинг қўйи тизими раҳбарияти ўзига бўйсунувчи ходимларга нисбатан юқори профессионализм, софлик ва адолатда ўрнатилган бўлиши, таркибий тармоқларида маънавий-психологик муҳит шаклланишига кўмаклашиши лозим, уларга бўйсунувчи ходимлардан уларнинг хизмат вазифалари доирасидан чиқиб кетадиган топшириқларни бажаришини талаб қилмаслиги, шунингдек қонунга хилоф хатти-ҳаракатларни содир этишга ундамаслиги керак.

Инспекция ва унинг қўйи тизими раҳбарияти кадрларни қариндошлик, ҳамшаҳарлик ёки шахсий садоқат белгилари бўйича танлаш ва жой-жойига қўйиш ҳолатларига йўл қўймаслиги керак. У гуруҳбозлик, маҳаллийчилик, фаворитизм кўринишларининг, шунингдек ўз хизмат вазифаларини бажариш жараёнида бошқа салбий омилларнинг қатъий равишда олдини олиши лозим.

Инспекция ва унинг қўйи тизими раҳбарияти:

- манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва уларни тартибга солиш юзасидан ўз вақтида чора-тадбирлар кўриши;
- коррупциянинг олдини олиш чораларини кўриши;
- ходимларни самарали бошқариши
- ўзига ишониб топширилган мулкка ва молиявий маблағларга эҳтиёткорлик ва тежамкорлик билан муносабатда бўлиши шарт.

Инспекция ва унинг қўйи тизими раҳбарияти ўзига бўйсунувчи, хизматдаги хулқ-атвор принциплари ва қоидаларини бузаётган ходимларнинг хатти-ҳаракатларига (ҳаракатсизлигига) йўл қўйилмаслиги чораларини кўрмаганлиги учун жавоб беради.

**12.** Инспекция ва унинг қўйи тизими ходимлар ўзларининг хулқ-атвори билан жамоада ва бошқа давлат хизматчилари билан ўзаро ишчанлик ва амалий ҳамкорлик қарор топишига даъват этилган.

Инспекция ва унинг қўйи тизими ходимлари хушмуомалали, илтифотли, одобли, эътиборли, ташаббускор, ўзгаришларга тезликда ва оқилона мослаша олиши, бир-бирини ўзаро қўллаб-қувватлаши, иш жойида хайрихоҳлик муҳитини яратиши, шахсий ва касбий муносабатларни фарқлаши, фуқаролар ва ҳамкасблари билан муносабатда сабр-тоқатли бўлиши, уларни ҳурмат қилиши шарт. Улар ўзига бўйсунувчиларга ва фуқароларга нисбатан қўполлик қилмаслиги, одамларнинг шаъни ва кадр-қимматини камситмаслиги, уларга асоссиз психологик ва жисмоний таъсир кўрсатиш ҳолатларига йўл қўймаслиги керак.

Инспекция ва унинг қўйи тизими ходимлари хизмат вазифаларини бажариш чоғида иш шароитлари ва хизмат тадбирларининг шаклига боғлиқ

ҳолда ташқи кўриниши ва кийиниш маданиятига риоя қилиши, фуқароларнинг инспекцияга нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлишига ёрдам бериши, умумий қабул қилинган иш услубига мувофиқ бўлиши, шунингдек, вазминлиги, расмийлиги ва тартиблилиги билан бошқалардан ажралиб туриши керак.

Ходимлардан иш вақтида корпоратив (ишчанлик) кийиниш услубига кўра, эркин ҳаракатланиш учун қулай ва касбга мос ҳолда кийиниш талаб этилади.

Ходимлар кийинишда қуйидагиларга риоя этиши лозим:

кийимларнинг ўта тор ёки ўта кенг бичимда бўлмаслиги;

кийимларнинг тоза ва дазмолланган бўлиши;

ходимнинг турли дин ва конфессиялар ҳамда турли субмаданиятларга мансублигини акс эттирувчи кийимларда бўлмаслиги;

умумэътироф этилган миллий-анъанавий шаклларга ва маънавий-ахлоқий тарбияга зид келмайдиган кийимларда бўлиши, спорт кийими (пойабзали)да бўлмаслиги;

эркаклар мавсумга қараб - классик услубдаги шим, костюм-шим (имкон қадар қора, тўқ кўк рангдаги), кўйлак (оқ, ҳаворанг ва шу каби), бўйинбоғ, пойабзал (қора рангда бўлиши тавсия этилади) кийиши;

аёллар мавсумга қараб - классик услубдаги юбка, костюм-юбка (имкон қадар қора, тўқ кўк рангдаги), ҳаво ҳароратига қараб классик услубдаги шим (имкон қадар қора, тўқ кўк рангдаги), танани шаффоф кўрсатиб турмайдиган кофта (оқ, ҳаворанг ва шу каби), кўйлак, пойабзал (қора рангда бўлиши тавсия этилади) кийиши.

Шунингдек, ходимларнинг ташқи кўриниши бўйича қуйидаги талаблар белгиланади:

танасининг очиқ қисмига татуировка туширилмаган ёки пирсинг қилинмаган бўлиши, соқоли олинган, сочи тартибга келтирилган ва ёрқин (ғайриоддий) рангларга бўялмаган бўлиши;

қулоқ ва бармоқлардан ташқари тананинг турли қисмларига зирак ёки металл буюмлар тақиб юрмаслик;

аёллар юзини кўзга ташланадиган даражада макияж қилмаган, тақинчоқлари оддий бўлиши лозим.

**13.** Инспекция ва унинг қўйи тизими ходимлари хизматдан ташқари вақтда умумий қабул қилинган одоб-ахлоқ нормаларига риоя этишлари, ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга йўл қўймаслиги керак.

### **III. Манфаатлар тўқнашуви**

**14.** Инспекция ва унинг қўйи тизими ходимлари ўз хизмат вазифаларини бажаришда манфаатлар тўқнашувига сабаб бўладиган шахсий манфаатдорлик ҳолатларига йўл қўймасликлари керак.

Манфаатлар тўқнашуви Инспекция ва унинг қўйи тизими ходимларининг шахсий манфаатлари уларнинг ўз хизмат вазифаларини

холисона ва беғараз бажаришига таъсир кўрсатадиган ёки таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳолатларда пайдо бўлади.

Инспекция ва унинг қўйи тизими ходимларининг шахсий манфаатдорлиги уларнинг шахсан ўзи ёки яқин қариндошлари, шунингдек улар яқин ёки ишбилармонлик муносабатларида бўладиган бошқа шахслар учун ҳар қандай наф кўриш ёки афзалликларга эга бўлишни ўз ичига олади.

Манфаатлар тўқнашуви юзага келган тақдирда Инспекция ва унинг қўйи тизими ходимлари ўз раҳбарини дарҳол хабардор қилиши керак.

Манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги тўғрисидаги маълумотни олган Инспекция ва унинг қўйи тизими раҳбарияти уни тартибга келтириш бўйича ўз вақтида чоралар кўриши шарт.

**15.** Инспекция ва унинг қўйи тизими ходимлари ўзларининг ўз хизмат вазифаларини зарур даражада бажаришига ёки уларга зарар етказиши мумкин бўлган фаолиятни амалга оширмаслиги керак.

Инспекция ва унинг қўйи тизими ходимлари ҳар қандай ҳолатда ҳам ўз хизмат мавқеидан мумкин бўлмаган шахсий фойда олиши мумкин эмас.

**16.** Инспекция ва унинг қўйи тизими ходимлари лавозимга тайинланаётганда ва хизмат вазифаларини бажараётганда ўзининг хизмат вазифаларини зарур даражада бажаришига таъсир кўрсатадиган ёки таъсир кўрсатиши мумкин бўлган шахсий манфаатдорлигининг мавжудлиги ёки мавжуд бўлиши имконияти тўғрисида маълум қилиши шарт.

#### **IV. Одоб-ахлоқ қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик**

**17.** Инспекция ва унинг қўйи тизими ходимлари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларининг бузилиши уни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш учун асос бўлиши мумкин.

**18.** Инспекция ва унинг қўйи тизими ходимлари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилиши аттестациялар ўтказишда, юқори ва бошқа лавозимларга тайинлаш учун кадрлар захирасини шакллантиришда ҳисобга олинади.

**19.** Ушбу одоб-ахлоқ қоидалари нормаларининг бузилишлари одоб-ахлоқ комиссияси томонидан кўриб чиқилади.

Одоб-ахлоқ қоидаларининг бузилиши ҳолатларини одоб-ахлоқ комиссияси томонидан кўриб чиқиш натижалари бўйича интизомий ёки бошқача тарздаги қоида бузилишларининг мавжудлиги (мавжуд эмаслиги) тўғрисида хулоса чиқарилади.

Одоб-ахлоқ комиссияси томонидан инспекция бошлиғига ходим томонидан одоб-ахлоқ қоидалари бузилганлиги ва уни жавобгарликка тортиш тўғрисида таклиф киритилади. Йўл қўйилган қоида бузилишининг характерини ҳисобга олган ҳолда, одоб-ахлоқ комиссияси ходимга нисбатан

одоб-ахлоқ қоидаларининг бузилишига йўл қўймаслик тўғрисидаги огоҳлантириш билан чекланиши мумкин.

Инспекция ва унинг қўйи тизими ходимлари ўзлари йўл қўйган қоида бузилиши, қоида бузилишининг кўриб чиқилиши жараёни ҳақида ахборотни олиш ва ўзини ҳимоя қилиш учун далилларни тақдим этиш, шунингдек амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

## **V. Яқуний қоидалар**

**20.** Одоб-ахлоқ қоидаларида кўрсатилмаган ҳолатлар юзасидан вужудга келадиган муаммоли вазиятлар ва масалалар амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳал қилинади.

**21.** Одоб-ахлоқ қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш уни янги таҳририни тасдиқлаш йўли билан амалга оширилади.